

## Таъзия



10:12 / 26.05.2025 1571

Юртимиз уламоларидан бири, Тошкент шаҳар «Ракат» жомеъ масжидининг имом-хатиби, устоз **Раббимқул домла Муҳаммадиев** фоний дунёдан боқий дунёга риҳлат қилдилар.

Шу муносабат билан Islom.uz портали жамоаси устознинг оила аъзоларига, қариндош-уруғларига, сафдошлари ва шогирдларига самимий таъзия изҳор этади.

Аллоҳ таоло умрини дин хизматига бағишлаган устознинг машаққатли ва шарафли меҳнатларини, барча солиҳ амалларини ўзларига садақаи жория қилиб, раҳматига буркасин, мағфиратига олсин, аҳли илмларга, илмига амал қилган уламоларга ваъда қилган ажру мукофотларидан баҳраманд қилиб, жаннатларига дохил айласин!

Ушбу оғир жудолик дамларида мархумнинг аҳли байтларига, барча яқинларига Аллоҳ таолодан сабру жамил тилаймиз.

***Иннаа лиллааҳи ва иннаа илайҳи рожиъуун!***